САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ФАХРИДДИН АБДУВАСИТОВИЧ

# АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ АҚЛ ВА БИЛИМ ЭВОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**УДК: 14 (575)**

**Фалсафа доктори (PhD)**
**диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации**
**доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract**
**Of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Юлдашев Фахриддин Абдуваситович**
Абу Наср Форобийнинг ақл ва билим эволюцияси ҳақидаги қарашлари .............3

**Юлдашев Фахриддин Абдуваситович**
Эволюция разума и познания во взглядах Абу Насра Фараби..............................21

**Yuldashev Fakhriddin Abduvasitovich**
Evolution of mind and knowledge in Abu Nasr Farabi's views .................................33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works...............................................................................................38

Автореферат Самарқанд давлат университетининг "СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси" журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди (16.03.2018).

Гувоҳнома № 10-3512

16.03.2018 йилда босишга рухсат этилди
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$.
"Times" гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 2,5.
Адади 100 нусха. Буюртма №16/03.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ ФАХРИДДИН АБДУВАСИТОВИЧ**

# АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ АҚЛ ВА БИЛИМ ЭВОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fal96 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Мухтаров Азамат Мухторович**<br>фалсафа фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Алиев Бекдавлат Алиевич**<br>фалсафа фанлари доктори, профессор |
| | **Шадманов Қурбон Бахриддинович**<br>фалсафа фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Навоий давлат педагогика институти** |

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» ______ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____________куни тарқатилди.

(2018 йил «____» ___________ даги _________- рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**О.М.Ғайбуллаев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доц

**С.К.Каримов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., доц


38. Юлдашев Ф. Логика и теория познания аль-Фараби. «Илм-заковатимиз сенга, она-Ватан !» мавзусидаги республика ёш олим ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий конференцияси. – Фарғона, 2016. – Б. 112-113.

39. Юлдашев Ф. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларнинг ўрни. //«Глобаллашув жараёнлари ва ахборот асрида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг маънавий-маърифий ва ғоявий жиҳатлари» республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2016. – Б. 411-414.

40. Юлдашев Ф. Глобаллашув шароитида жамиятимизнинг маънавий юксалишига таъсир этувчи мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш муаммолари. //«XXI асрда психологик саломатлик: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Фарғона, 2017. – Б. 116-117.

41. Юлдашев Ф. Форобий таълимотида ақл ҳақидаги қарашларининг ёшлар тарбиясига таъсири. // Ёшлар маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Фарғона, 2017. – Б. 40-43.

Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тўплам. – Фарғона, 2011. – Б. 98-99.
26. Юлдашев Ф. Форобий қарашларида ақл ва дилнинг маънавий-ахлоқий мезонлари. // ФДУ. Илмий хабарлар. – Фарғона. 2012. – 1-сон. Б. 78-80.
27. Юлдашев Ф. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати. // Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2012. – т Б. 62-64.
28. Юлдашев Ф. Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ахлоқий маданият масалалари. // Глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлиги: информацион таҳдид ва мафкуравий иммунитет масалалари. Республика илмий-амалий анжумани. – Фарғона, 2013. – Б. 26-28.
29. Юлдашев Ф. Онтологическая система и проблема интеллектуального познания у аль-Фараби. // Итоговый сборник VIII Форума лидеров студенческих и молодёжных организаций стран СНГ. – Москва, 2013. – Стр. 74-75.
30. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг инсон маънавий-ахлоқий тарбияси ҳақидаги қарашлари. // Соғлом турмуш тарзи-маънавий баркамол авлод пойдевори. Илмий-амалий конференция. – Тошкент, 2014. Б. 144-147.
31. Юлдашев Ф. Жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида ахлоқ фалсафасининг ўрни. // Илм-заковатимиз сенга, она – Ватан! Республика илмий-амалий анжумани. – Фарғона, 2014. – Б. 151-152.
32. Юлдашев Ф. Миллий-маънавий негизларга таяниш – демократик жамият қуришнинг зарурий шарти. // Илм-заковатимиз сенга, она – Ватан! Республика илмий-амалий анжумани. – Фарғона, 2015. – Б. 343-344.
33. Юлдашев Ф. Жамият тараққиётида миллий ва маънавий қадриятлар уйғунлиги. // «Замонавий илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва унинг истиқболи» мавзусидаги Фарғона давлат университетининг 85 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Фарғона, 2015. – Б. 103-105.
34. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг ақлли ва фозил инсоннинг ўз фаолиятини ташкиллаштириши ҳақидаги қарашлари. // Миллий ғоя ва ижтимоий синергетика. Илмий-назарий семинар материаллари тўплами. – Тошкент, 2015. – Б. 98-104.
35. Юлдашев Ф. Ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари. //«Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ва ижтимоий иш соҳаларини ривожлантириш муаммолари» республика илмий-амалий конференцияси. – Фарғона, 2016. – Б. 89-90.
36. Юлдашев Ф. Баркамол авлодни тарбиялаш-миллий-маънавий қадрият сифатида. //«Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: назария ва амалиёт» республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2016. – Б. 250-252.
37. Юлдашев Ф. Шахс маънавий онгини шакллантиришда Форобий ахлоқий таълимотларининг таъсири. //«Шахс маънавий онгининг шаклланишида психология фанининг роли» республика илмий-амалий конференцияси. – Фарғона, 2016. – Б. 207-208.



## КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда инсоният тамаддуни янги босқичга кўтарилиб, сифатий ўзгаришлар кузатилаётган бир даврда шарқ фалсафий меросининг жаҳон ҳалқлари маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришдаги вазифаси алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ислом фалсафасининг асосчиси ва антик юнон фалсафасини қайтадан жонлантириш орқали ғарб маънавий маданиятини янги фалсафий назария ва хулосалар билан бойитган мутафаккир Абу Наср Форобийнинг ўрни беқиёсдир.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида инсоният ўзининг рационал хатти-ҳаракати билан улкан моддий ва маънавий бойликларни яратмоқда, бу бойликларни даврнинг энг оғир ва машаққатли синовларидан эсон-омон олиб ўтмоқда. Бунда Форобийнинг ақл моҳиятини ёритиб берувчи асарлари сиёсий-ахлоқий тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, буюк мутафаккирнинг қолдирган асарларида илгари сурилган назария ва ғояларнинг долзарблиги айни кунда жамиятнинг маънавий-ахлоқий, таълим-тарбия соҳаларини янгилаш ва ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш вазифалари билан ҳам боғлиқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шу маънода, Форобий асарларидаги илмий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий қарашларни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосий мақсади бўлган комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини илмий асосда очиб бериш зарурлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизда инсон омилига эътиборнинг кучайиши билан буюк аждодларимизнинг илмий меросидан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилди. Шу жойда Форобийнинг илмий-фалсафий меросини чуқур тадқиқ этиш, уни демократик ислоҳотлар жараёнига татбиқ қилиш бугунги кун олим ва файласуфлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, албатта, нафақат Форобий меросини, балки бошқа Шарқ алломаларининг маънавий меросини ҳам чуқур ўрганишни талаб этмоқда. Хусусан, бу мустақил юртимизда барпо этилаётган, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятидаги ислоҳотларнинг пировард натижаси, ундаги илмий-амалий ва ижтимоий-фалсафий муаммоларни қай даражада ҳал этиш борасидаги амалий ҳаракатларимизга бевосита боғлиқдир. Улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий даҳосида биз қураётган янги фуқаролик жамиятининг тарихий асосларида унинг ақл-идроки, яратувчилик фаолиятига доир қарашлари асосий рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига

Мурожаатномаси ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик йилларида мамлакатимиз маънавий ҳаётини янги босқичга кўтаришда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов асарларида илгари сурилган инсон омили ва унинг ақлий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган концептуал қарашлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларидаги[1] маънавий-ахлоқий қадриятларни, миллий ўзликни англаш, мустақилликни янада мустаҳкамлаш борасидаги билдирилган изчил фикрлар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу тадқиқот ишида Форобий илмий-фалсафий меросида муҳим ўрин тутган «ақл» тушунчасининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари каби масалалар чуқур таҳлил қилинган бўлиб, унинг онтологик ва гносеологик жиҳатлари кўплаб шарқ ва ғарб файласуфлари томонидан тадқиқ этилган. Айниқса, муаммонинг ахлоқий-фалсафий ва гносеологик жиҳатлари ўрта аср мусулмон шарқи файласуфларидан Ибн Сино, Ибн Божжа, Ибн Рушд каби бошқа алломалар томонидан чуқур ўрганилган.

Муаммонинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини XX аср файласуфлари-дан М.Бурабаев, Б.Ғофуров, А.Қосимжонов, А.Ирисов, С.Сатибекова, А.Казибердов, К.Жарибекова, Ю.Жумабоев, М.Болтаев шунингдек, мамлакатимизда И.Мўминов, М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, М.Баратов, А.Шарипов, Р.Носировлар ўрганган бўлса, унинг сиёсий-фалсафий асослари Эронлик файласуф ва давлат арбоби Саййид Муҳаммад Ҳотамий томонидан чуқур тадқиқ қилинган[2].

Бугунги ўзгаришлар шароитида Абу Наср Форобийнинг улкан фалсафий мероси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилаётган бўлса ҳам, танланган мавзу тарихий-фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасини илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Фарғона давлат университети «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедрасининг «Миллий ғоянинг тарихий-фалсафий илдизлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

[2] Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.



**II- бўлим (II часть; Part II)**


13. Юлдашев Ф.А. А.Юлдашев. Сиёсий маданият – маънавият тизимида. //Ўзбекистон мустақиллигининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш масалалари. Халқаро илмий конференция маърузалари. Тўплам. – Самарқанд, 1997 – Б. 113-116.

14. Юлдашев Ф.А. Маданият тизимида фан. // Маданиятшунослик. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган. – Фарғона, 1997. – Б. 105-109.

15. Юлдашев Ф.А. О. Ҳайдаров. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси. //Гулистон. Ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий безакли журнал. 5-сон. – Тошкент, 1999. Б. 5-6.

16. Юлдашев Ф.А. Иффат ва назокат йўқолмасин. // Гулистон. Ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий безакли журнал. 5-сон. – Тошкент, 2001–Б. 39 Юлдашев Ф. Алишер Навоий ва табиат олами. // Гулистон, Ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий безакли журнал. 2006 йил. 2-сон. 6-бет.

17. Юлдашев Ф.А. М. Қурбонова. Форобий ижодида илмий қадриятлар тизими. // «Экология ва аёл» Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. Тўплам. – Фарғона, 2006. – Б. 149-150.

18. Юлдашев Ф.А. Форобий ижодида шахс камолоти. // ФДУ илмий хабарлар. Журнал. 4-сон. – Фарғона, 2007. – Б. 46-49.

19. Юлдашев Ф.А. Юлдашев А. Форобийнинг фалсафий мероси ва шахс камолоти. // Фарғона политехника институти илмий техника журнали. 1-сон. – Фарғона, 2007. – Б. 3-6.

20. Юлдашев Ф.А. Раҳимкулов М. Фуқаролар жамиятида маданиятни бошқариш масаласи. // Фуқаролик жамиятининг такомиллашувида маданиятлараро ҳамкорлик ғоясининг ўрни ва аҳамияти. Тўплам. – Фарғона, 2009. – Б. 107-110.

21. Юлдашев Ф., Толипов Б. Иқтисодий маданиятнинг ижтимоий мазмуни. //Ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммолари. Илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент, 2009. – 1-китоб. Б. 147-148.

22. Юлдашев Ф.А. М. Қайнарова. Форобий таълимотида шахс камолоти масалалари. // Баркамол шахсни шакллантиришнинг илмий –услубий муаммолари. Тўплам. – Фарғона. 2009. – Б. 127-129.

23. Юлдашев Ф. Комилов А. Глобаллашув ва модернизация: экологик муаммолар. // Модернизация, инновацион тараққиёт ва толерантлик ривожи истиқболлари. Республика илмий анжумани материаллари (1-китоб). Тўплам. – Тошкент, 2010. – Б. 104-106.

24. Юлдашев Ф.А Юлдашев А. Форобий шахс тарбиясида ақлнинг ўрни тўғрисида. // ФДУ илмий хабарлар. Журнал. 1-сон. – Фарғона. 2010. – Б.102-103.

25. Юлдашев Ф.А Форобий қарашларида ёшларнинг ахлоқий камолот масалалари. //«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурининг ижросини таъминлаш жараёнида ёшларнинг фаоллигини ошириш муаммолари.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
## СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
## LIST OF PUBLISHED WORKS

### I бўлим (I часть; Part I)

1. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг «Фи маъоний ал-ақл» асарида гносеологик масалалар. // Монография. – Тошкент, 2012. – Б.136
2. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг фалсафий-антропологик карашлари. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. Илмий-методологик, илмий-услубий журнал. – Тошкент, 2012. – 4-сон. Б. 34-38 (09.00.00; №2)
3. Юлдашев Ф. Форобий ақл ва дилнинг маънавий-ахлоқий мезонлари ҳақидаги қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти. // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2013. – 3/1-сон. Б.121-125 (09.00.00; № 14)
4. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг ақлий билиш ҳақидаги қарашлари. //ЎзМУ хабарлари. Махсус сон. – Тошкент, 2013. – Б. 244-247 (09.00.00; № 14)
5. Yuldashev F. The main criteria of the intellectual knowledge theory of Farabi. // Theoretical & Applied Sciences. European applied sciences. – Germany, 2013. – 7-2. Pp.68-69 (Global impact factor 0,564 №5)
6. Юлдашев Ф. Форобий оқил ва фозил инсон ҳақида. // Фалсафа ва ҳуқуқ. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2015. – 1-сон. Б. 18-21 (09.00.00; № 15)
7. Юлдашев Ф. Форобийнинг «Фи маъоний ал-ақл» асарида ақлли ва фозил инсон ўртасидаги муносабатлар. //«Имом Бухорий сабоқлари» маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. – Тошкент, 2016. – 1-сон. Б. 75-78 (09.00.00; № 9)
8. Юлдашев Ф. Некоторые особенности учения аль-Фараби о познавательных способностях людей. // Academic science – problems and achievements IX. – North Charleston, USA. 2016. – pp.136-140. (Global impact factor 0,564)
9. Yuldashev F. Views of al-Farabi on the civil society development. //Theoretical & Applied Sciences. Theory and Practice.06 (38) – Lancaster, USA. 2016. – Pp.110-112. (Global impact factor 0,564 №5)
10. Юлдашев Ф. Форобий илмий меросида фалсафий тафаккур масаласи. //Андижон давлат университети Илмий хабарномаси. – Андижон, 2016. – № 3. Б. 51-54 (09.00.00; № 8)
11. Юлдашев Ф. Шарқ Аристотели асарларида гносеология масалалари. //Sharqshunoslik. Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий журнали. – Тошкент, 2016. – № 3. Б. 114-120 (09.00.00; № 4)
12. Юлдашев Ф.А. Комил инсон тарбияси // Жамият ва бошқарув. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси. 1-сон. – Тошкент, 2007. Б. 69-71 (09.00.00; № 6)



**Тадқиқотнинг мақсади** Абу Наср Форобий асарларидаги ақл ва оламни билишга оид қарашларини тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва шу асосда уларнинг жаҳон фалсафий тафаккури ривожидаги ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Форобий меросини ўрганишга бағишланган илмий-фалсафий ва бадиий-оммабоп манбаларни қиёсий таҳлил қилиш;

Форобийнинг ақл тушунчаси ва инсоннинг ақлий салоҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотининг рационалистик ҳамда иррационалистик жиҳатларини очиб бериш;

Форобий яшаб ижод этган IX-X асрдаги тарихий-фалсафий муҳитнинг ўзига хос томонларини тадқиқ қилиш давомида алломанинг шарқ фалсафий тафаккури ривожига қўшган буюк ҳиссасини ёритиш;

Форобий билиш назариясининг антик дунё (Афлотун, Арасту) файласуф-лари қарашларидан фарқли ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

Форобий билиш назариясидаги интуиция, ақл ҳамда салоҳиятдаги ақл (ақл бил қувва)нинг оламни билишдаги аҳамиятини очиб бериш;

ақл даражалари ва улар ўртасидаги нисбий муносабат, фаол ақлнинг жамият тараққиёти ва инсон фаолиятидаги аҳамиятини аниқлаш;

Форобийнинг инсон ақлий ва ахлоқий камолотида ақл ва дил уйғунлиги ҳақидаги қарашларини диалектик нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

Форобий билиш назариясида илгари сурилган ақл ва билим эволюцияси тўғрисидаги қарашларининг Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқа шарқ файласуф-лари томонидан талқин этилишини изоҳлаш;

Форобийнинг ақл тўғрисидаги таълимотини инсоннинг маънавий-ахлоқий, ақлий ва руҳий камолотида тутган ўрни ва ролини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абу Наср Форобийнинг «Ақл маъно-лари ҳақида», «Фи маъоний ал-ақл» ва «Ақл тўғрисидаги» асарлари олинди.

**Тадқиқотнинг предметини** Абу Наср Форобийнинг «Ақл маънолари ҳақида», «Фи маъоний ал-ақл» ва «Ақл тўғрисида» асарларидаги ақл даражалари ва билим эволюциясининг ривожланиб бориши тўғрисидаги фалсафий қарашлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг объектив-лик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тарихий рефлексия асосида Форобийнинг «Ақл маънолари ҳақида» ва «Ақл тўғрисида» асарларида «ақл бил-қувва» (салоҳиятдаги ақл), инсоннинг покланган қалби ва камолоти ҳақидаги билим ҳамда оламни билишда шахс камолоти тўғрисидаги фалсафий концепциялари очиб берилган;

Форобийнинг оламни билишда ақлнинг роли масаласи, ақл даражалари (имконий ақл, воқеий ақл, фойдаланувчи ақл, фаол ақл) тўғрисидаги ғоялари ўрта аср ислом фалсафасида илк бор фалсафий муомалага киритилганлиги исботланган;

Форобий таълимотида изоҳланган оламни ақлий билишда инсон интелектининг эпистемологик жиҳатлари очиб берилган;

Форобий асарларидаги ақл тушунчасининг инсон ақлий салоҳиятини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатувчи ўзига хос жиҳатлари илмий-фалсафий нуқтаи назардан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Форобийнинг ақл, оламни билиш масалалари, ақл даражалари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг инсон камолотида тутган ўрнини чукурроқ англаб етишга қаратилган кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

Форобий асарларидаги «ақл» тушунчасининг эмпирик ва назарий даража-лари, классик ва замонавий таърифлари, рационал, иррационал шакллари фалсафий асослаб берилган;

Форобийнинг ақл ва билим эволюциясига оид назариясини инсоннинг эркин ижодий фикрини шакллантиришдаги роли ва ички ҳиссиётларини ўрганишнинг янгича тизими (мафкуравий, маданий, ижтимоий) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро микёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** илмий жиҳатдан ақл ва билим эволюциясига оид ғояларни ўрганиш асосида уларнинг инсон камолотини юксалтиришга ижобий таъсирини аниқлаш борасидаги фалсафий билимларни илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш билан белгиланади.

Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган қатор тушунчалар фалсафа тарихи соҳасидаги амалий тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўла олади. Мазкур тадқиқот материалларидан келгусидаги илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятда ҳамда фалсафа тарихи, диншунослик, психология, социология мутахассисликлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини ифодалаб, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, аниқ амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар иттифоқи фаолиятида, мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абу Наср Форобийнинг ақл, оламни билиш масалалари, ақл даражаларига оид қарашлари жамият равнақи, хусусан, инсон камолотига ижобий таъсирининг намоён бўлиши, уларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

Форобий асарларидаги «Ақл» тушунчасининг даражалари, таснифлари (миллий, классик) мезонлари (рационаллик, илмийлик)нинг категориал асослари, ақл фалсафасининг рационал, тадрижий ва ижтимоий моҳияти, унинг ижтимоий воқеликни идрок этиш ва баҳолаш муносабатлари борасидаги таклифларидан



**Implementation of the research results.** On the basis of the scientific work done to develop the philosophical and philosophical views of Farabi on the evolution of the concept of mind and cognition, the following proposals are worked out:

- the suggestions on the mechanisms of studying the problem of the evolution of the mind and cognition in the writings of Abu Nasr Farabi, effective methods and means to ensure the strengthening of national self-awareness were used to fulfill the goals and objectives of project "Scientifically-philisophical and artistically-linguistic researches of the thinkers and scientists The Eastern Renaissance» commissioned by the Committee for the Coordination of the Development of Science and Technology, as well as in the implementation of the innovative project БМВ-Ф1-003 ("Scientifically-philisophical and artistically-linguistic researches of the thinkers and scientists The Eastern Renaissance» pages 24, 66, 91,92,93,110,111,124,125), in the Program of Action Plans for the Protocol of the Cabinet of Ministers of the Republic in the Program of Measures for the Implementation when occurrence of the annual work plan of the Republican center of spirituality for 2017 (information of the Republican Council of spirituality and enlightenment № 01/02-573 dated 19 July 2017);

- the proposals for the essence and content of the evolution of the mind and cognition in the scientific works of Farabi, their types, the factors that determine them, the criteria for determining the sources that distribute them, the formation and enhancement of knowledge of the youth about the effective consequences, the formation of ideological immunity, which are used in round tables, at trainings and in carrying out other activities organized by the youth social movement (certificate No. 02-06 / 240 of March 7, 2017, the Central Council of the Youth Social Movement «Kamolot»). This made it possible to raise the level of knowledge on this topic among young people in the country;

**The outline of the thesis**. The structure of the dissertation consists of an introduction, three chapters, conclusion and a list of used literature. The volume of the thesis is 133 pages.

- explored essence of conception «акл бил-кувва» (active mind) in treatises «About meaning of sense» and «About mind», also philosophical concepts of clarification of soul and person perfection, the value person perfection in cognition of world founded historical reflexion.

- confirmed primarily using the mind as cognition of world and mind degrees in Islamic philosophy in period of Middle Ages.

- epistemology particularities human mind and intellect in Faraby's doctrine have been analyzed.

- Maked out positive adequately influence to development intellectual potential of personalities mind and cognition in Farabi's scientifical proceedings.

**The practical results of the study** are as follows:

- devised recommendation on comprehensive study of conception mind and cognition, particular qualities mind's degrees and position of this aspect to personalities perfection in Farabi's scientifical proceedings

- disclosed theoretical and empirical degrees, classical and modern definitions, rational and irrational criteries of the notion "mind"

- devised the new mechanisms on learning creativity thinking and internally feelings of personalities in evolution mind and cognition in Farabi's scientifical views.

**The reliability of the research results** is determined by the fact that the articles published in collections of scientific conferences of national and international scale, special journals registered by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan, foreign scientific journals, published monograph and reviews of it, conclusions, proposals and recommendations are implemented in practice, the results obtained are approved by authorized organizations .

**The scientific and practical significance of the research results** is determined by the fact that they strengthen social and philosophical knowledge in the scientific and methodological aspect by attracting new approaches to the study of scientific works of Abu Nasr Farabi. Certain categorical concepts developed in this research can become a scientific and methodological basis for practical research in the field of the history of philosophy. The materials of this research can be applied in the future in research and teaching activities, as well as to develop topics within the curriculum in the specialties of philosophy, religious studies, history, psychology, sociology.

**The practical significance of the thesis** is that theoretical conclusions, concrete practical proposals and recommendations reflected in it, can be applied in the work of the departments of the Republican Center for Spiritual Propaganda on the ground, in the activities of the Scientific and Practical Center of the National Idea and Ideology, self-governing bodies, political movement of Uzbekistan, in meetings, round tables and in the organization of spiritual and educational measures in this direction.



Республика Маънавият-тарғибот марказида Фан ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган БМВ-Ф1-003- «Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий лингвистик тадқиқи» мавзуидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган. (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2017 йил 19 июлдаги 01/02-573-сон маълумотномаси). Натижада нашрга тайёрланган қатор китоблар мазмунини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Инсоннинг покланган қалби ва камолоти ҳақидаги билим ҳамда оламни билишда шахс камолоти каби фалсафий фикрлардан «Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутаффакирларининг илмий-фалсафий мероси» номли китобнинг 24, 66, 91, 92, 93, 110, 111, 124, 125 бетларида фойдаланилган. (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2017 йил 19 июлдаги 01/02-573-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, хусусан, Ўзбекистонда буюк меросини ўрганишга бўлган ҳаракатлар дастурини кенг миқёсда ишлаб чиқиш юзасидан берилган назарий хулосалар, амалий таклифлар халқимизнинг қалби, руҳияти, маънавий оламини бойитишга қаратилган билимларини кучайтириш ва бу борадаги илмий-назарий қўлланмаларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилган.

Форобийнинг оламни билишда ақлнинг роли масаласида ва ақл даражалари (пассив ва фаол) тўғрисидаги қарашлари замонавий фалсафий методлар (тарихийлик, анализ ва синтез, тизимли ёндашув) асосида унинг билиш назарияси, оламни билишда инсон ақлининг даражалари (пассив ва фаол) тарихий-фалсафий мавзу сифатида илк бор рационаллик асосида ишлаб чиқилган ғоялардан «Камолот» ЁИҲ фаолияти доирасида тадқиқотнинг амалий натижаларидан аждодларимиз меросини ўрганишга бағишланган тадбирларда фойдаланилган («Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашининг 2017 йил 7 мартдаги 02-06/240-сон маълумотномаси). Бу мамлакатимиз ёшларининг аждодларимиз мероси, уларнинг ҳозирги кун ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ижобий таъсири борасидаги билим даражаси, уларни ўрганишга бўлган хатти-ҳаракатларни кенг миқёсда ривожлантириш ва ақлий салоҳиятини юксалтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси** тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 38 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилиб, ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, усуллари, мақсади ва вазифалари ёритилган. Натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Форобий билиш назариясида «ақл бил-қувва» (салоҳиятдаги ақл) талқини»** деб номланган **биринчи бобида** ақлнинг Форобий фалсафасидаги аҳамияти, моҳияти ва энг муҳим тамойиллари илмий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинади.

Форобий умумфалсафий масалаларни ёритар экан, энг аввало, ақл ва фалсафий тафаккур муаммоларини ўртага қўяди. Билим ва ақл муаммоларини таҳлил этишда антик дунё мутафаккирлари томонидан ҳамда ўз давридаги математика, астрономия, филология, мусиқа ва бошқа фанларга доир билимлардан кенг кўламда фойдаланди. Форобий асарларида асослаб берилган оламни билиш масалалари ва ақл даражалари тўғрисидаги таълимоти унинг фалсафий тизимида марказий ўринни эгаллайди.

Форобий ўз асарларида билиш назариясини диалектик нуқтаи назардан талқин қилган. Унинг фалсафасида «назарий ақл», «амалий ақл», «воқеий ақл», «фаол ақл» каби билиш жараёнининг босқичлари ўзаро бир-бирини тақозо этган ҳолда юксакликка эришиб боради. Форобий таълимотига кўра, инсондаги ақл борлиқнинг турли-туман кўринишлари инъикосидир. Инсон ўзидаги ақл ёрдамида аввал ерда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг сабабларини, сўнгра эса осмон жисмларининг сиру-асрорини билади. Унингча, инсон ўзи ва олам тўғрисида тўплаган билимлари, яъни ақл воситасида яратган маънавий бойликлари ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, балки «дунёвийлик»ни ташкил этади. Инсон ақли олам сирларини билишда энг юксак чўққига кўтарилганда «кайҳоний ақл», «кайҳоний руҳ» билан қўшилади, яъни илоҳийлик касб этади.

Форобий таълимотида ақл концепцияси етакчи ўринни эгалласа-да, унинг фикрича, ҳақиқатга муҳокама ва ақл орқали борилади, аммо бу мақсадга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун инсон ўзининг ички оламини поклаб бориш керак. Ақл тўғрисидаги концепция Форобийнинг «Ақл маънолари ҳақида», «Фуқаролик сиёсати». «Саволларнинг моҳияти», «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари ҳақида», «Ақл(сўз)нинг аҳамияти ҳақида», «Ақл тўғрисида» номли асарларида муфассал тарзда ишлаб чиқилган.

Мазкур тадқиқот ишидаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, аллома яшаган даврдаги исломий-диний, табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий муҳитни унинг қарашларига таъсири, шунингдек, ўзигача бўлган ақл ва унинг моҳияти тўғрисидаги қарашларни Форобийнинг ақл ҳақидаги мукаммал таълимотини яратилишидаги аҳамияти кўриб чиқилган. Шунингдек, мутафаккир фалсафасидаги пантеистик қарашларнинг онтология ва билиш назарияси билан



## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The aim of the study** is a historical and philosophical analysis of the essence, content and significance of the problem of mind and cognition in Farabi’s viewes, and on this basis to reveal their role in the development of frosty philosophical thinking.

**Objectives of the study**:

- comparative study of scientific-philosophical and artistic-popular publications devoted to their teaching of the heritage of Farabi;
- the disclosure of social and cultural determinants of the concepts of intelligence, intelligence, cognition;
- analysis of ontological cognition factors;
- identification of the relationship between knowledge and philosophy;
- the disclosure of the socio-philosophical essence of the mind and cognition;
- study of the features of the evolution of this doctrine;
- study of the genesis of the mind and cognition, as well as their development;
- definition of ideological concepts in the teachings of Abu Nasr Farabi;
- by examining the features and socio-economic, political, cultural and spiritual prerequisites for the formation of Central Asian Sufi tarikats to reveal in them the general and special;
- determination of the degree of mutual relations and orthodox Islam in the process of their development in the past and at present;
- on the basis of an objective analysis of the socio-political, cultural and spiritual reality, develop recommendations on the study of the historical and philosophical essence of the mind and cognition
- development of recommendations for the further improvement of activities aimed at mobilizing the knowledge, strength and energy of young people to solve the tasks of building civil society based on the development of skills of high spirituality, the ability to correctly navigate in the complex conditions of the contemporary socio-political life of the world community, taking into account world practice and national characteristics and spiritual values.

**The object of the study** is the treatises of Abu Nasr Farabi «About meaning of sense» and «About mind».

**The subject of the study** is the philosophical views of Farabi about mind degrees evolution development of the mind and cognition outlined at the Faraby’s works, such as «About meaning of sense», «Фи маъони ал-акл” and «About mind».

**Methods of research**. The methods of structural-functional, causal analysis, dialectical and complex approach, logic, historicity, system, objectivity, continuity, comparison, as well as new scientific guidelines of the synergetic method are used in the dissertation.

**The scientific novelty of the study** is as follows:

**The theme of doctor of philosophy degree (PhD) of philosophical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.3.PhD/Fal96.**

The dissertation has been prepared at the Ferghana state university.
The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (Resume)) languages on the website ik-falsafa@nuu.uz and on the website of «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Scientific consultant:** | **Mukhtarov Azamat Mukhtarovich**<br>Doctor of philosophical sciences, professor |
| **Official opponents:** | **Aliev Bekdavlat Alievich**<br>Doctor of philosophical sciences, professor |
| | **Shadmanov Kurban Bakhriddinovich**<br>Doctor of philosophical sciences, professor |
| **Leading organisation:** | **Navai state pedagogical institute** |

The defense of the dissertation is held at ____ on «___» _________ 2018 at the meeting of the Scientific Council at the Scientific Council DSc.27.06.2017.F.02.02 at Samarkand State University. (Address: 140104, 15 Universitet khiyoboni, Samarkand city. Telephone numbers: Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz. cabinet 105, grand floor, the department of History, Samarkand State University).

The doctoral dissertation can be taken from the Information Resource Centre of Samarkand State University (It is recorded under No____) Address: 140104, 15 Universitet khiyoboni, Samarkand city. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

The abstract of the dissertation is distributed on «___» __________ 2018.
Protocol at the register No _________ dated «___» _________ 2018.

**B.O.Turaev**
Chairman of the Doctoral Degree Awarding Scientific Council, Doctor of Philosophical Sciences, professor

**O.M.Gaybullaev**
Secretary of the Doctoral Degree Awarding Scientific Council, Doctor of Sciences (Philosophical)

**S.K.Karimov**
Chairman of the Scientific Seminar at the Doctoral Degree Awarding Scientific Council, Doctor of Philosophical ciences

бевосита боғлиқлиги таҳлил қилинган. Академик М.Хайруллаев таъкидлаганидек, Форобий барча фикрларида ақлга жуда катта аҳамият беради, уни кўр-кўрона эътиқод ва ақидапарастликдан бутунлай фориғ этишга интилади. Унинг фалсафий тизимига ақл-идрокка асосланган тафаккур сингиб кетган. Гарчи, у ақл асосларини биринчи сабаб – Ҳақ билан боғлаб, дин, шариат ва фалсафани ўзаро келиштиришга интилган ва бундай қарашда мустаҳкам турган, натижада унинг фалсафий хулосалари дин, шариат ва илм-фан талабларига мувофиқ келган. Зеро, муқаддас Қуръони Карим ақл ва илм масаласига жуда катта эътибор берилган бўлиб, унинг ўзида 750 марта илм сўзи учрайди.

Форобийнинг ақл ва борлиқ бирлиги диалектикасига бағишланган қарашларига аввалу-абад илоҳий ақл ғояси сингиб кетган. Форобий муқаддас ислом динини фалсафий жиҳатдан асослади, ақл мавзусини ҳам айнан шундай мазмунда тушунтирди. Аммо юқоридаги фикрлардан мутафаккирнинг ақлни оламни билиш ва ақл даражалари тўғрисидаги қарашлари тўла-тўкис мистик мазмунга эга эди, деган хулосага олиб келмаслиги керак. У Афлотун ва Арастунинг ақл моҳияти ҳамда даражалари тўғрисидаги қарашларини шарҳлар экан, уларнинг камчиликларини ҳам назардан қочирмайди. Оламий ақл инсонни Аллоҳ билан боғловчи фаол (салоҳиятдаги ақл) ақл ҳақидаги мистик мулоҳазалар билан бирга ақлнинг бир томондан руҳий жараён эканлигини, иккинчи томондан ақл ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг маҳсули эканлигини таъкидлайди.

Форобий асарларида «ақл» тушунчасининг фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниши ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикрида ақл масаласи қандай маънода тушунилганини таснифлашга асос бўлади. Форобий «ақл» тушунчасининг олти хил маънода, бир-бирига боғлиқ бўлган турли мазмунда қўлланилишини ҳам кўрсатиб ўтган. Форобийнинг бошқа замондошларидан устунлиги шундаки, у ақл тўғрисидаги турли мазмундаги қарашларни ўзаро зид қўймайди. Балки улар бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ҳамда бойитиб борувчи сифатида кўради. Буни Форобийнинг «Ақл сўзи маънолари ҳақида рисола»сида яққол кўриш мумкин.

Форобий «Фусус-ул ҳикам» асарида ҳақиқатга йўл муҳокама ва ақл орқали боради, аммо унгача, бу мақсадга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун ички оламни поклаб бориш керак, дейди. Шу муносабат билан Форобий интуиция, унинг нарса ва ҳодисаларни билишдаги аҳамияти ҳақидаги назарияни яратади.

Форобийнинг фаол ақл тўғрисидаги таълимоти кейинчалик Ибн Сино, Ибн Божжа, Ибн Рушдларнинг фалсафий қарашларидан кенг ўрин эгаллади. Ақлнинг моддий асослари ва фаол ақлнинг самовий даражага эришиши тўғрисидаги қарашлари тасаввуфий руҳда бўлиб, ўз даврида фалсафани ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Айни бир вақтда Форобийнинг издошлари ҳам ҳеч қандай ҳолатда динни рад этмайди, унинг «Ал ҳуруф» (Ҳарфлар) китобида баён қилинган фикрлари изидан бориб, дин ва фалсафа бир ҳақиқатнинг икки томони, бунда фалсафа мазмун ўрнида бўлса, дин шакл ўрнидадир, деган фикрни илгари сурганлар.

Форобийнинг ақл тўғрисидаги таълимоти ўз даврининг маҳсули сифатида антик дунё фалсафасини мавжуд илм кашфиётлари билан боғлади ва шу

асосда ислом фалсафасини яратди. «Форобий ислом фалсафасининг асосчиси ва мустаҳкам рационал(ақлга асосланган) тафаккур тизимини яратган одам - деб ёзади Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Унинг мактаби ўзигача бўлган ва ўз давридаги файласуфларнинг қарашлари билан жамики ўхшаш жиҳатларига қарамай, умуман олганда ҳам, алоҳида томонларини олганда ҳам, нодир ҳодисадир»[1].

Хуллас, ўрта асрнинг илк даврларида тасаввуф ва фалсафада ақл масаласи марказий ўринни эгаллаган ва бунда Форобий ўзига хос мавқега эга эди. Айтиб ўтилганидек, бу ўша даврдаги маданий тараққиёт эҳтиёжлари, табиий-илмий фанлар ютуқларини рационалистик тушунишнинг зарурлиги, бу мавзудаги фалсафий муаммоларни ҳал этишда ақлнинг ўрни ва ролини ишлаб чиқиш кераклиги каби муаммолар билан боғлиқ эди.

Диссертациянинг «**Форобий билиш назариясида ақлий ва ахлоқий камолот алоқадорлиги**» деб номланган **иккинчи бобида** ақл ва дил муносабати, билиш жараёнида улар ўртасидаги зиддият ва уйғунлик масалалари чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, Форобийнинг фалсафий-илмий меросида инсон ва унинг моҳияти, инсон ҳаётининг ақлий қувватлар ва ҳис-туйғуга хос, кўнгил – руҳий фазилатлар орқали жамият билан узвий боғлиқлиги масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Инсон ўзи нима, у чек-чегараси йўқ бепоён оламда қандай ўрин тутади, табиатдаги ёввойи ҳайвонлар ва умуман жониворлардан қандай хусусиятларига кўра фарқ қилади, инсон ҳаётининг моҳияти – бош мақсадини нима ташкил этади? Бу саволлар буюк файласуф олимни умр бўйи ўйлантирган масалалар эди. Айни шу маънода мазкур бобда Форобийнинг ақлли инсон ва фозил инсон ўртасидаги муносабатлар диалектикаси тўғрисидаги қарашлари атрофлича тадқиқ этилади.

Форобий ақл воситасида эришилган билим охирги мақсад эмас, балки инсоннинг покланган қалби камолоти ва жазба(жўш уриш, завқланиш)га соладиган ҳақиқатни идрок этишнинг муқаддимаси, бошланишидир. Ақл изланишларининг охирги мақсади ва якунловчи босқичи бу мушоҳададир, бу эса одам қалби орқали рўй беради. Инсон оламни кўз билан эмас, қалб кўзи орқали билиши зарур. Инсоннинг идрок, руҳ ва фаол ақл каби сифатлари уни улуғвор ва мукаррам этади. Мутафаккир инсонни комилликка эришишида ақл ва дил ўртасидаги зиддиятни ҳал этишдаги аҳамияти таъкидланади, ўз нафсини ақл ва дил воситасида бошқариши ва тарбиялаши зарурият эканлиги кўрсатилади. Инсон руҳи, ақл ва дил вазифалари ҳақидаги масалаларга тўхталиб, инсон нафси моҳияти ва хусусиятининг фалсафий таҳлилига алоҳида эътибор қаратади. Шуниси эътиборлики, Форобий фалсафий ва диний билишнинг манбаи ягона эканлигини билиш назариясининг мантиқий негизига таяниб асослашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, дин Ваҳий асосидаги ҳақиқатдир. Шундай фалсафий фикрлари давомида Форобий ислом фалсафасининг диний-назарий томонларини ва билиш назариясини асослашга киришади, унга мистик тафаккурни кириб боришига йўл очади. Форобий ҳам, ҳақиқатга етишиш учун, Арасту каби, диалектика – баҳс, жадалия санъатини яхши ўрганиш зарурлигини уқтиради. Аммо бу анча қийин фан, уни ўрганиш учун туғма қобилиятларга эга бўлиш

[1] Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан.Т Минҳож. 2003, 65-бет.



**SCIENTIFIC COUNCIL ON AWARD OF SCIENTIFIC DEGREES**
**DSc.27.06.2017.F.02.02**
**AT SAMARKAND STATE UNIVERSITY**
**FERGANA STATE UNIVERSITY**

**YULDASHEV FAKHRIDDIN ABDUVASITOVICH**

# EVOLUTION ON MIND AND KNOWLEDGE IN ABU NASR FARABI'S VIEWS

**09.00.03 – History of philosophy**

**DISSERTATION ABSTRACT**
**OF DOCTOR OF PHILOSOPHY DEGREE (PhD)**
**OF PHILOSOPHICAL SCIENCES**

**Samarkand – 2018**

души, которую называют интеллектом, стараясь превзойти в этом отношении друг друга;

5. Целенаправленный анализ различных значений понятия разума позволяет Фараби развернуть собственную концепцию мышления. Выдвигая понятие разума, Фараби в тоже время тонко раскрывает диалектику тождества мышления и бытия. До акта познания разум потенциален в двух отношениях. Со стороны субъекта разум потенциален как еще не проявившая себя способность постигать. Посредством отношения к умопостигаемым сущностям, превращения их из потенциальности в осуществленность, разум потенциальный превращается в разум действительный. В этой диалектике ценно выявление того обстоятельства, что разум (мышление) способен постичь сущность всего сущего.



талаб этилади. Негаки баҳслашув жараёнида инсон ўз фикрини далиллаш, исботлаш учун жуда кўп билимларга эга бўлиши зарур.

Форобий асарларида шахс камолоти, жамият ва шахс муносабати масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг асарларида акс этган сиёсат илми, “шаҳар ҳақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми”, яъни “илми ал-маданий” юриспруденция (фиқҳ) ва мусулмон теологияси (илми калом) хусусида билдирган фикрлари ҳам ўз даврига нисбатан илғор қарашлардан иборат эди. Бинобарин, унинг фалсафий таълимоти, ижтимоий-ахлоқий, сиёсий масалаларни рационалистик мавқеда туриб тушунтириши, мантиқий далиллаши ва изчиллиги билан ажралиб туради.

Файласуф олим гўзал инсоний фазилатлар, хайрли, эзгу ишлар, инсоний фазилатларни шакллантиришга оид йўл-йўриқлар, инсонни камолотга эришувидан маҳрум қиладиган салбий хислатлар, ҳар турли ёмон одатлар, нуқсонлар, бузуқ хатти-ҳаракатлар ҳақида фикр юритади. Олим нуктаи назарича, маданий билим шундай билимки, унинг ёрдамида шаҳар халқлари ва шаҳарлик бўлмаган халқларни ўз ичига олган, яъни инсон оламига хос бўлган барча хислатларни ўзида мужассам этган одамзод жисмидаги ҳар турли аъзолар каби маълум бўлади. Бу ўринда шуни эслатмоқ жоизки, аллома маданий илм деганда шаҳарни ёки замонавий тил билан айтганда, кенг маънодаги ижтимоий ҳаётни, жамиятни тадқиқ этувчи илмларни назарда тутади, янада характерли жиҳати шуки, у жамиятни одам организмига қиёс қилади.

У ўзининг кўплаб асарларида кишидаги фазилатлар моҳияти ва уларнинг турлари кенг таҳлил этилади. Шулардан бири фикрий фазилатдир. Бироқ олим фикрий фазилатни фикрий қувватдан фарқлаб, уларнинг бир нарса эмаслигига эътиборимизни қаратади: «Фикрий қобилият шуки, у билан манфаатли предметлар билинади ва ихтиро этилади, фикрий қувват шуки, унинг билан зарарли нарсалар кашф ва ихтиро этилади. Шунинг учун, бу фаолиятни фикрий қобилият деб эмас, балки кейинги ном билан – фикрий қувват дебгина аташ керак». Олим назарий фикрларини янада ривожлантириб, фикрий қобилият билан туғма қобилиятни ўзаро таққослайди ва улар ўртасидаги муносабат ҳамда боғлиқлик хусусида тўхталади. Унинг фикрича, қуввати жиҳатидан энг кучли бўлган фикрий қобилият билан кучли туғма қобилият бир-биридан ажралмайди. Туғма қобилият инсонда устун (файласуф ибораси билан айтганда – «раис») фазилат бўлса, у ақлий назарий қобилиятга айлангандан сўнг шу ақл воситаси билан қобилиятларни айира билиш ва улар ёрдамида кутилган предметни кашф этиш ва ҳосил қилиш ҳеч қандай сўзсиз мумкин бўлиб қолади. Файласуф фикрича, инсон қобилиятлар эгаси бўлмоғи ва ўз қобилиятларининг куч-қуввати, даражаси, турлари, неларга қодир эканлигини англаб етмоғи мақсадга мувофиқдир. Негаки, инсон фаолиятида содир бўладиган юксалиш ва таназзуллар, ютуқ ва хатолар, ижобий ёки салбий хусусиятлар, одатда, ана шу қобилиятлар туфайли келиб чиқади. Афлотуннинг фикрларини шарҳлар экан Форобий «мавқеи ва одамлар жамоаси борлиги учунгина шаҳар деб аталувчи шаҳар, ҳақиқий шаҳар эмаслигини, ҳақиқий шаҳар аҳолиси адолатли қонунларга ва бошқарув қоидаларига риоя қилишларига, Аллоҳ ёрлақаган раҳбарга эга бўлишга ва одамларнинг таҳсинига лойиқ одатлари ва ахлоқи рўёбга чиқишига

шарт-шароит яратилган, жойлашган ери, табиий шароити қулай, яъни унга аҳоли учун озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсаларни олиб келиш мумкин бўлган шаҳардир» – деб тушунтиради. Агар бирор одамнинг одати ва табиати (адолатли) қонунга мос, гўзал ва талабга жавоб берадиган бўлмаса, у доимо пасткаш, жирканч бўлиб, ҳар гал қонунни бузиб жиноятчи сифатида қоралланганида юзага чиқади, деган ғояни ҳам эслатиб ўтади.

Форобий инсоннинг моҳияти, унинг камолотга эришиши тўғрисидаги таълимотида ақл ва дил ўртасидаги зиддият ва уйғунлик мавзуси муҳим ўрин тутади. Шу ўринда файласуфни инсон нафсининг моҳияти, кайфияти ва уни тарбиялаш зарурлиги тўғрисидаги қарашлари эътиборга моликдир. Гарчи «Рисола фи моҳият ун-нафс» асарида ақл ва дил зиддияти ҳақида тўғридан-тўғри сўз бормасада, унда баён этилган фикрларидан инсон ўз нафсини ақл ва дил воситасида бошқариши ва тарбиялаши зарур деган ғояни англаймиз. Жумладан, Форобий ёзади: «Нафс салоҳиятга қобилиятли қилиб яратилган ва маърифан Аллоҳга комил, яъни Аллоҳ танишга комилдир. Шу сабабли инсонлар нафсини тарбиялаши лозим ва лобуддир. Аллоҳ таоло инсоннинг нафсига куч-қувват ато этибдурки, ани қувваи фикрия, қувваи ғазабия ва қувваи шаҳвония атайдурлар. Қувваи фикриянинг таърифи булдурки, инсон унинг сабаби билан хайрни шаррдан, ҳақни ботилдан ажратадир. Бу қувваи нафс мутмаъинна ва нафси малакий ҳам деб аталурки, анинг қароргоҳи миядур»[1].

Форобий фалсафий меросининг яна бир қимматли томони шундаки, у ҳар бир замондаги давлат ва жамият ҳаётининг маънавий соғломлиги, мусаффолиги фуқароларнинг илғор, ватанпарварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик руҳидаги дунёқараши билан ахлоқий, маънавий бойлиги ёки янглиш дунёқараши, маънавий қашшоқлиги билан ҳам боғлиқдир. Форобий фикрича, ҳақиқат йўлини танлаш ҳар бир инсоннинг хулқидаги яхши ҳислатларга, фазилатларга боғлиқдир. Чин инсон яхшилик, адолат, ҳақиқат йўлини танлайди. Инсоннинг барча ишлари, ҳатти-ҳаракатлари, ақлий қувватлари гўзал, эзгу мақсадларга йўналган бўлса, уни оқил ва фозил инсон дейдилар. Агар инсон ақлий қобилиятларини ёвузлик, ёмонлик учун сарф қилса, уни айёр, маккор одам дейдилар. Бу ва бу каби алломанинг назарий фикрларидан бугунги кунда ҳам оқилона фойданиш жамиятимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришга хизмат қилади.

Шарқшунос олимлар тўғри таъриф беришганидек, ўрта асрлар шароитида Форобий инсоният тарихида жамиятнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти, мақсад-вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди ва давлатни бошқариш тўғрисидаги илмий қарашлар тизимини ишлаб чиқди. Ўз даврида жамият пайдо бўлишининг табиий-ижтимоий сабабларини очиб берди. У бу ҳақда «ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёжи туғилади», деб ёзади «Фозил шаҳар аҳлларининг фикрлари» рисоласида.

Аввало, Форобий жамиятни ижтимоий уюшишнинг олий шакли деб ҳисоблайди(олим асарларида «шаҳар» сўзи «жамият», баъзан «давлат» сўзлари

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 1983, 37-57 бетлар.



того обстоятельства, что разум (мышление) способен постичь сущность всего сущего.

Президент нашей страны Ш.М.Мирзиёев, коротко останавливаясь на задачах, связанных с усилением идеологического иммунитета в сердцах и сознании молодежи, подчеркивает: «…В этом мы опираемся на национальные традиции, богатое духовное наследие предков, сформированное веками»[1].

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Изучение эволюции концепции ума и познания в научных трудах Абу Насра Фараби дало возможность прийти к ряду следующих выводов:

1. Философские воззрения Абу Насра Фараби могут быть правильно поняты в их самобытности и оригинальности, если мы поймем их во всем своеобразие, т.е. как конкретно историческую систему положений, связанную с определенной эпохой и отражающую ее. Прежде всего, Абу Наср Фараби во взглядах об эволюции ума и познания обогатил теорию новыми закономерностями, опираясь на мировоззрения Александра Афродизия и Аристотеля. Он обосновал иерархию ума и познания с научно-философкой точки зрения. Абу Наср Фараби всегда пропагандировал идеи о повышении уровня благосостояния общества и народа. Именно это достигается умом и развитым интеллектом человечества;
2. Деятельный разум есть одна из ступеней иерархии бытия. Самое высшее место занимает первопричина – Аллах. Вторые сущности суть небесные тела. Третья ступень бытия – деятельный разум и соответствующий ему «подлунный мир» с четырьмя элементами. Четвертая ступень бытия – человеческая душа. И лишь пятую – самую нижнюю ступень, занимают форма и материя;
3. Учение об активном разуме представляет развитие аристотелевкого учения о потенциальном и деятельном разуме. Деятельный разум не просто причина движения в подлунном мире, это внутренне присущий земному миру разум. Разум отдельного индивида развивается лишь в меру приобщения к безличному, космическому разуму. Последний вечен. Смысл концепции деятельного разума Абу Насра Фараби состоит о признании его вечности в непрерывной деятельности как свойственной человеческому роду способности.
4. В своих трудах Фараби рассматривает те же вопросы, что и аль-Кинди в своем трактате об интеллекте, но с большей тщательностью и полнотой. Фараби определяет различные значения, в которых используется слово «интеллект» обыкновенными людьми и философами. Когда выражается, что человек разумен, то под этим можно понимать акт интеллекции. Таким образом, в качестве вспомогательного примера человека называют разумным, а иногда воздерживаются от того, чтобы его так называть. Разумный человек считается добродетелем и способен избрать добро и избежать зло. Интеллект увеличивается в течение всей жизни человека. Люди отличаются этой частью

[1] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б

ограничивает божью волю только созидательной деятельностью. В остальном он видит действие объективных законов развития.

Третья глава носит название «Значение учения о разуме аль-Фараби». Психологически разграничивая «силы души», аль-Фараби намечает учение о ступенях процесса познания. Мыслитель категорически настаивает на первостепенной роли ощущений как источнике знаний, посредством которого постигаются единичные вещи. Отрицание чувственности как исходного момента знания, по мнению аль-Фараби, связано со сложностью процесса познания, опосредованностью каждого акта постижения предшествующим знанием. Деятельный разум опосредствует отношение человеческого мышления к реальным вещам, наделяя мышление знанием основ логического постижения, его предпосылками, аппаратом категорий и аксиоматически принимаемых положений. Логические воззрения аль-Фараби выяснены в литературе недостаточно. Считая себя в этой области истолкователем «Органона» Аристотеля, он написал комментарии и пояснения ко всем произведениям великого логика древности. Логический объективизм, подчеркивание связи с внешним миром посредством органов чувств как фундамента человеческого знания – вот те стороны логического наследия Аристотеля, которые подхватывает «Второй Учитель».

В своих трудах Фараби рассматривает те же вопросы, что и аль-Кинди в своем трактате об интеллекте, но с большей тщательностью и полнотой. Фараби определяет различные значения, в которых используется слово «интеллект» обыкновенными людьми и философами. Когда выражается, что человек разумен, то под этим можно понимать акт интеллекции. Таким образом, в качестве вспомогательного примера человека называют разумным, а иногда воздерживаются от того, чтобы его так называть. Разумный человек считается добродетелем и способен избрать добро и избежать зло. Интеллект увеличивается в течение всей жизни человека. Люди отличаются этой частью души, которую называют интеллектом, стараясь превзойти в этом отношении друг-друга.

С логической точки зрения аль-Фараби делит все знания на исходные, первоначальные, в виде аксиом и постулатов, и на выводы, получаемое путем умозаключения. Законы и правила логики касаются процедур выведения знаний. Аль-Фараби исключительно высоко оценивает значение логики. Ведь если сам человек стал человеком именно благодаря разуму, то логика, которая культивирует разум, является искусством, относящимся тем благам, которые являются самыми специфичными для человека.

Целенаправленный анализ различных значений понятия разума позволяет Фараби развернуть собственную концепцию мышления. Выдвигая понятие разума, Фараби в тоже время тонко раскрывает диалектику тождества мышления и бытия. До акта познания разум потенциален в двух отношениях. Со стороны субъекта разум потенциален как еще не проявившая себя способность постигать. Посредством отношения к умопостигаемым сущностям, превращения их из потенциальности в осуществленность, разум потенциальный превращается в разум действительный. В этой диалектике ценно выявление



маъносида талқин этилади). Агар инсон бўлиб туғилмоқнинг ҳамда яшамоқнинг пировард мақсади бахт-саодатга эришмоқдан иборат бўлса, бу улуғ мақсад ва мартабага эришмоқ фақат жамият орқали, жамият воситаси билангина рўёбга чиқиши мумкин холос. Бахт-саодатга эришиш учун инсон камолот касб этмоғи, жамият унга бу борада ҳар жиҳатдан кўмак бермоғи лозим. Бошқача айтганда, жамиятда инсоннинг энг олий ва охирги мақсадига эришмоқ учун етарли шарт-шароит яратиб берилган бўлиши зарур. Ана шу олижаноб мавқе-даражага қадар юксалмоқ учун инсон билимли, яхши тарбияланган бўлиши, бошқаларни ҳам ҳурмат қиладиган, инсонпарвар ва адолатпарвар бўлмоғи лозим. Шу тариқа Форобий қарашларининг негизида жамият ва шахс камолоти ва унинг адолатли жамият қуришдаги аҳамиятига доир ғоят қимматли фикрлар ётади.

Диссертациянинг **учинчи боби «Форобийнинг ақл ҳақидаги таълимотининг бугунги кундаги аҳамияти»** деб номланади. Унда Форобий билиш назариясида «ақл ал-мустафад» (фойдаланувчи ақл) ва фаол ақл тўғрисида, Форобий ақл ва дилнинг маънавий-ахлоқий мезонлари ҳақидаги қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти каби масалалар кенг ёритилган.

Форобий гносеологияси, яъни билиш назарияси унинг фалсафий таълимотида асосий ўринни эгаллайди. Буни ўрта аср фалсафасида оламни, борлиқни билиш масаласи жамиятнинг маънавий ва илмий ҳаётида марказий ўринни эгаллаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўз даврида Форобий фалсафанинг ана шу бош масаласини ҳал этиш орқали инсоннинг билиш қобилияти, ҳиссий ва ақлий билиш, уларнинг ўзаро нисбати ва диалектикаси, тил, нутқ ва тафаккурни билиш жараёнидаги роли, мантиқий билиш қонунларини, эзотерик ва экзотерик билимлар тўғрисидаги таъли-мотини ишлаб чиқди.

Форобий ақл фалсафасини Шарқ уйғониш даври фарзанди сифатида антик давр фалсафасини чуқур ўзлаштирибгина қолмай, балки (И.Кант ва К.Гельвецийдан саккиз аср илгари) ўзининг ақл фалсафаси таълимотини яратди. У «Ақл сўзининг маънолари ҳақида» асарида бу мавзуни махсус тадқиқ этди. Форобий фикрича, фақат инсонларга хос ақлнинг ҳам турли даражалари бор. «Биринчи ақл» барча ақлий тушунчаларга имкониятдан воқеликка айланишга қувват беради. Кўриш тушунча сифатида имкониятдаги қувватдир, кўз (ёруғлик йўқлигида ҳам) шу қувватга эгадир. Ёруғлик келгач, кўзнинг имконияти воқеликка айланади. Рангларнинг тушунчалари ҳам шундай, ранг тушунчалари кўз кўрганида фаол тушунчага айланади.

Форобий билиш назариясида ақлий (рационал) билишга асосий ўрин берилган бўлса-да, «Биринчи вужуд» яъни Ҳаққа эришишда мавжудлик ва мутлақ комиллик соҳиби Тангри таолонинг муқаддас руҳидан ақли аввал вужудга келган, деган диний-фалсафий ғоя асослаб берилган. Форобий фалсафий меросининг энг қимматли томонларидан бири шундаки, у ҳар бир замондаги давлат ва жамият ҳаётининг маънавий соғломлиги, мусаффолиги фуқароларнинг ватанпарварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик руҳидаги дунёқараши билан ҳам, инчунун ахлоқий ва маънавий бойлиги билан ҳам ўзаро боғлиқ эканлигини илмий асосда кўрсатиб бера олди.

Форобийнинг ақлий салоҳият ва интуиция ҳақидаги таълимоти, аввало, билиш назариясининг таркибий қисми эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг вужудга келиши ва шаклланишининг илмий-назарий манбалари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шу маънода, айтиш мумкинки, мутафаккир-нинг барча фалсафий асарларида эпистемология масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Ақл масаласи ана шу йирик фалсафий бир бутунликнинг, муҳим ва зарурий қисми сифатида билиш назарияси марказида ақл масаласининг қўйилиши ва ҳал этилиши унинг бутун фалсафий таълимотининг моҳиятини ташкил этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ақл ҳақидаги таълимот Форобий-нинг фалсафа соҳасида қўлга киритган энг муҳим ютуқларидан биридир. Мутафаккир ўзигача яратилган фалсафий таълимотларни (Арасту, Афлотун ва бошқалар) чуқур ўрганиш ва бойитиш билан бирга уларни янги фалсафий назариялар билан ривожлантирди. Инсон ақлининг турли хил даражаси ва аҳамиятини (ақл бил қувва – «имкониятдаги ақл», ақл-бил-феъл – «ҳақиқий воқеликдаги ақл», ақл ал-мустафид – «истифода қилинган фойдаланиладиган ақл» ва фаол ақл) таҳлил қилиш натижасида Форобий ўзининг бир бутун концепциясини яратди. Унинг назарида ақл тўрт босқичга эга: буни халқчил тил билан ифодалаганда яширин, фаол, ўз меҳнати билан яратилган ва серғайрат ақлдан иборат. Форобийни мазкур концепцияси унинг бутун фалсафий таълимоти мазмунига сингиб кетган, дейиш мумкин.

Форобий инсонлар бирор моддий манфаат келтирмаса ҳам, ақли ривожланишга хизмат қилмаса ҳам, ёқимли, ҳузурли бўлган билимлар деганда фақат софдил, самимий, фазилатли инсонларга хос, руҳий эҳтиёжларни қондирувчи эстетик билимларни, эстетик тарбия, эстетик онг, эстетик идеал каби руҳни бойитувчи ва гўзаллаштирувчи нарса, ҳодисалар ҳақидаги билимларни кўзда тутади. Чиндан ҳам агар инсон гўзаллик ва хунукликни, улуғворлик ва тубанликни, фожеийлик ва кулгуликни билмаса, ҳис эта олмаса маънавий қашшоқ одам ҳисобланади. Форобий эстетик билимларни бирор мақсадга етиштирмай фақат завқ беради деган бўлса ҳам, эзгулик ва гўзалликни қадрлаш, турли иллатларни ҳажв ва ҳазил-юмор ёрдамида танқид қилиш инсон ва жамият тараққиётига хизмат қилади, деб таъкидлайди.

Форобий фикрича, инсоннинг таъсирланувчи ақли барча маҳқулотларни тўлиқ тушуниб олган бўлса, бундай одамнинг ақли амалдаги ақлга, тушунчалари амалдаги тушунчаларга айланади. Бундай одамнинг амалдаги ақли таъсирчан ақлга нисбатан комилроқ ва кенгроқ бўлиб, унга нисбатан моддийликдан узоқлашганроқ ва фаол ақлга яқинлашганроқ бўлади. Ақл ал-мустафад (яъни истифода этилган, фойдали ақл) у таъсирчан ақл билан фаол ақл ўртасидадир. У билан фаол ақл ўртасида тўсиқ бўлмайди. Таъсирчан ақл гўё мустафад ақл учун асос, модда бўлиб хизмат қилади. Мустафад ақл эса ақл-бил-феъл, яъни ҳаракатдаги ақл учун асос, модда вазифасини бажаради. Унинг фикрича, ақл табиати бўлмиш фикрлаш қобилияти ақл бил-феъл учун мақсад бўлиб хизмат қилади.

Инсоннинг фикрлаш қобилияти уни инсон қилиб турган табиатининг биринчи босқичидир. У амалдаги ақлга айланишга қобилиятли ва имкониятлидир. У фаол ақлга етишиш учун яна икки босқичдан ўтади, таъсирчан ақл



Во второй главе диссертации «Взаимосвязь умственного и морального совершенства в теории познания Фараби» проанализированы проблема ума и души, а также состояния противоречия и гармоничности между ними.

Как теоретик, великий мыслитель, преклоняющийся перед разумом, доказывающий возможность приобщения к интеллектуальному развитию всех людей, видит в логике предмет, достойный самого пристального внимания и изучения. Аль-Фараби развивает теорию познания, изложенную Аристотелем в «Аналитиках» и «О душе». Исключительно важное значение имеют его положения об ощущении как источнике знания, о путях формирования исходных принципов знания, о природе разума. Аль-Фараби порицает тех, кто сомневается в способности человеческого разума постичь истину. Разум способен овладеть бытием, так как их пронизывает единое начало, которое мыслитель на языке своего времени называет «божественный разум». «В природе же всех существующих вещей заложена способность постигаться интеллектом и реализоваться в качестве форм его сущности»[1].

Концепция человеческого разума, формирующегоя в опыте посредством приобщения к Деятельному разуму, есть концепция страдательного разума. Она связана с отрицанием бессмертия души и врожденного знания. Человек не рождается разумным, а лишь способным к разумности. «Разум в возможности» - способность общая всем людям. «Приобретенный разум» - приобщение индивидов к единому, общечеловеческому мышлению. Вечность и непрерывность присуще деятельному разуму как способности, свойственной человеческому роду. В области гносеологии аль-Фараби реализует общий тезис о равенстве всех людей в смысле равенства познавательных возможностей. Деятельный разум есть одна из ступеней иерархии бытия. Самое высшее место занимает первопричина – Аллах. Вторые сущности суть небесные тела. Третья ступень бытия – деятельный разум и соответствующий ему «подлунный мир» с четырьмя элементами. Четвертая ступень бытия – человеческая душа. И лишь пятую – самую нижнюю ступень, занимают форма и материя.

Учение об активном разуме представляет развитие аристотелевкого учения о потенциальном и деятельном разуме. Деятельный разум не просто причина движения в подлунном мире, это внутренне присущий земному миру разум. Разум отдельного индивида развивается лишь в меру приобщения к безличному, космическому разуму. Последний вечен. Смысл концепции деятельного разума Абу Насра Фараби состоит о признании его вечности в непрерывной деятельности как свойственной человеческому роду способности.

Большинство произведений аль-Фараби носит синтетический характер, охватывая самые разнообразные вопросы. Скажем, в трактате «Взгляды жителей добродетельного города» социально-этическая проблематика занимает значительное место, но изучению общих принципов онтологии, теории познания и космологии уделено не меньшее внимание. Вошедший в данное собрание трактат «Указание пути к счастью» также включает вопросы логического порядка и классификации наук. Абу Наср Фараби, придавая Аллаху роль первопричины,

[1] Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата. стр. 27-28.

рекомендованных Высшей аттестационной комиссией РУз для опубликования основных результатов докторских диссертаций, из них 8 - в республиканских, 4 – в зарубежных журналах.

**Структура и объем диссертации.** Структура диссертации состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы. Объем диссертации составляет 133 страниц.

## ОСНОВНОЕ СОДЕРЖАНИЕ ДИССЕРТАЦИИ

Во введении обоснована актуальность и востребованность темы исследования, её связь с приоритетными направлениями развития науки и технологий, освещена степень изученности проблемы, проведён обзор зарубежных научных исследований по теме, определены цель и задачи работы, объект и предмет исследования, изложены научная новизна и практические результаты, обоснованы достоверность полученных результатов, научное и практическое значение. Даны сведения о внедрении результатов исследования в практику, публикации, структура и объём диссертации.

В первой главе диссертации, озаглавленной «Сущность акл-бил-кувва в теории познания Фараби» проанализированы теоретические аспекты и систематизированы исследования, посвященные проблеме познания, его истории и философской сущности, причины возникновения учения ума в недрах ислама, имеющиеся в нем отдельные противоречия. Произведен научный анализ произведений Абу Насра Фараби.

Индивидуальная траектория жизненного пути Абу Насра аль-Фараби где-то, видимо, пересекается с логикой большой истории. Вне такого пересечения уникальность его творчества рискует остаться непонятой. К сожалению, сведения о его биографии весьма скупые. Известно, что он — выходец из привилегированных слоев тюркского племени, о чем свидетельствует наличие в составе его полного имени термина «тархан». Типичные черты мышления эпохи мусульманского Ренессанса нашли отражение в той или иной степени в его сочинениях. Прозрачно просматриваются преломление античной традиции в творчестве аль-Фараби и его интерпретации основных произведений Аристотеля в духе восточного перипатетизма. Преклонение аль-Фараби перед Аристотелем безусловно. Но для нас особенно ценно, что он не ограничивается только формальными построениями учения Аристотеля; определенное внимание он уделяет элементам диалектики, контрастной постановке вопроса, настаивает на том, что фундаментом логики познания является связь с внешним миром, осуществляемая посредством органов чувств. Философские воззрения Абу Насра Фараби могут быть правильно поняты в их самобытности и оригинальности, если мы поймем их во всем их своеобразие, т.е. как конкретно историческую систему положений, связанную с определенной эпохой и отражающую ее. Абу Наср Фараби всегда пропагандировал идеи о повышении уровня благосостояния общества и народа. Именно это достигается умом и развитым интеллектом человечества.



амалдаги ақлга айланади ва шундан кейин ақл мустафад, яъни фойдали ақлга айланади. Мана шу биринчи босқични забт этган одам билан фаол ақл ўртасида ҳам икки босқич бор. Одамнинг таъсирланувчи ақли комиллик йўлида тараққий этиб, одамийлик унинг табиатига айлангач модда ва сувbooрат бирлашгани каби унинг ақли амалдаги ақлга айланади. У билан фаол ақл ўртасида бир босқич қолади. Инсоннинг табиий суврати таъсирчан ақлнинг амалдаги ақлга айланишига асосий модда хаюло бўлгач, энди таъсирчан ақл мустафад ақлнинг асосий моддаси, яъни хаюлоси бўлиб қолади. Шундан сўнг инсон ақли яна тараққий этиб мустафад ақл фаол ақлнинг хаюлосига айланади. Етук инсонда шуларнинг ҳаммаси бирлашиб, у энди фаол ақл соҳибига айланади.

Инсон фикрлаш қобилиятининг ҳар икки қисми – назарий ва амалий қисмларда, яъни тасаввур қобилиятида ҳам шу ҳолат пайдо бўлгач, бундай инсонга Ҳақ таоло (жалла жалолуҳу) фаол ақл воситасида мукошафат (илоҳий сирларни, олам сирларини) кашф этиш қобилиятини ато қилади. Бу одамнинг ақл-идрокига Ҳақ таоло тажаллий этган (ёғдирган) қобилият ва фазилатлар сабабли у донишманд, комил ақл-идрок соҳибига айланади. Бундай одамнинг тасаввур қобилияти ҳам тараққий этиб, ўз замонидаги (мураккаб) ҳодисаларни таҳлил этувчига айланади. Бунинг учун у илоҳий мақсадларни таниб, билиб, илоҳий маърифат билан яшаши зарур. Бундай одам олий даражали комил инсон бўлиб, олий бахт-саодатга эришади. Унинг кўнгли, руҳи юқорида айтилган йўл билан фаол ақлга (оламий ақлга) бирлашган бўлади. Бундай одам барча одамларнинг қандай иш-амаллар қилса бахт-саодатга эришувини айтиб бера олади. Форобий ақл фалсафасининг инкор этиб бўлмайдиган жойи шундаки, у ақлни борлиқ оламининг ибтидоларидан бири деб билдики, инсоний вужуд ана шу ақл воситасида ўша оламга бевосита қўшила олади.

Форобий назарий ва амалий ақлнинг инсон фаолиятидаги ўрни ва ролини таҳлил этиш давомида ақл воситасида юз берадиган билишнинг хусусиятларини тушунтиради. Улардан бири рағбатлантирувчи қувват-куч-инсонни бирор нарсани қўлга киритиш ёки нимадандир воз кечишга мажбур этиб, ниманидир севиш, нимадандир қочиш, ниманидир танлаб олиш, нимадандир сақланиш имконини берди. Бу кучдан эзгулик, адолат, дўстлик, умид, ёмонлик, ғазаб, шодлик, шафқатсизлик ва бошқа шу каби ҳодисалар пайдо бўлади. Тахайюл – бу ҳиссий туйғуларнинг дастлабки қабул қилинишидан кейинги сурат ва шаклларнинг ўзида сақланишидир. Бу куч хилма-хил ҳисларни қориштириши ёки аксинча ажратиб юбориши мумкин. Буларнинг ҳаммаси тушда ҳам, бедорликда ҳам содир бўлиши мумкин. Тасаввурлар алдамчи ёки чин, фойдали ёки зарарли, қувонтирувчи ёки аламли бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси тушда ҳам, бедорликда ҳам содир бўлиши мумкин. Бу тасаввурлар алдамчи ёки чин, фазилатли ёки зарарли, қувонтирувчи ёки аламли бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси-тахайюл ишидир, аммо ахлоқнинг гўзал ёки хунуклигини англаш бунга кирмайди(бу амалий ақл соҳасига киради). Форобий инсон сезги органларининг ақлий билишдаги муҳим ролини таъкидлайди. Кўриш, эшитиш, ҳид, таъм билиш орқали сезиш каби органларнинг билишдаги иштироки тахайюл ишидир, аммо улар ҳис фойда ва зарар, гўзал ва хунук (нуқсонли) нарсаларни бир-биридан ажратишга қобил

эмас. Ирода ҳам инсоннинг англанган феъл (ҳаракат)га йўналишидан бошқа нарса эмас. Форобий иродани ихтиёрдан фарқ қилади. Унинг фикрича, ирода ўз моҳияти билан умумий тушунча, ихтиёр эса жузъий. Ирода инсоннинг ҳислари ва тахайюлотини туғдирадиган ҳодиса деб баҳолайди. Ихтиёр эса амалий ақл тасаввуридан келиб чиқадиган куч ёки назарий ақлнинг онгли хулосалари натижасидан ҳосил бўладиган кучдир. Файласуф инсон ва ҳайвонларнинг сезги органларидаги умумийлик ва фарқни изоҳлаб, ихтиёр - инсонгагина хос бўлган сифат, ҳислар ва тасаввурлардан туғиладиган куч ҳам инсонга, ҳам ҳайвонга хосдир, деган хулосани беради. Юқоридаги мушоҳадаларининг мантиқий давоми бўлган «Ақл тўғрисида»ги рисоласида ёзади: «Ақлли деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин». Инсоний фазилатларга эга бўлган шаҳар аҳолиси фазилатсиз шаҳар иллатларидан тамомила ҳоли, у тўлиғича ижобий хислатларга эгадир. Инсонлар интилган барча яхши сифатлар, фазилатлар фозил шаҳарда, яъни адолатли жамиятда юзага чиқарилган бўлади. Бу шаҳар – жамият фуқаролари фазилатларининг юксаклиги, беқиёслиги, қусур ва хатолардан холилигининг сабаби шундаки, унда энг асосий нарса – ахлоқий етукликка, инсоний фазилатларга интилиш бош мақсад қилиб олинган бўлиб, бу шаҳарда инсон - шахс ўзининг табиий истеъдоди, қобилиятларини амалда юзага чиқара олади. Мутафаккир Аристотельнинг ақл моҳияти ва вазифаси ҳақидаги таълимотини ривожлантиради, ақлнинг амалий кучлари билан назарий ақлнинг ўзаро босқичма-босқич боғлиқлигини кўрсатиб беради.

